

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

215 **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-1

(2011 йил 4 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 7 май,
14/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил
7 майдаги 14/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 7-банднинг иккинчи хатбошиси «бошқа» деган сўздан кейин «нобанк» деган сўз билан тўлдирилсин.

2. 14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Микрокредит ташкилотида ахборот тизимларининг ўзаро ишлаши ва алмашинувини таъминлаш мақсадида куйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

Банк телекоммуникация тармоғига уланиш учун модем алоқаси;

микрокредит ташкилоти биноси ва банк телекоммуникация тармоғининг жиҳозлари ўрнатилган автоматик телефон станцияси билан алоҳида сифатли алоқа линияси;

кафолатланган электр таъминоти (220 В);

кунлик бухгалтерия ҳисобини юритилишини таъминловчи дастурий таъминот;

микрокредит ташкилоти фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа техник воситалар.

Микрокредит ташкилоти биноси ва ундаги касса хоналари техник жиҳатдан мустаҳкамланган ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Микрокредит ташкилоти биноси ва ундаги касса хоналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланганлиги, шунингдек ахборот тизимларининг ўзаро ишлаши ва алмашинувини таъминлаш мақсадида модем ва сифатли алоқа линияси мавжудлиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби амалиётларини амалга ошириш бўйича техник талабларга мос келувчи дастурий таъминот билан таъминланганлиги бўйича Марказий банкнинг тегишли ҳудудий бошқармасининг хулосаси олиниши лозим».